



Илгари
ота-она фарзандига
"қилганингни бил,
болам" дер эди,
ҳозир эса
"билганингни қил"
деяпти

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz

Дастурлар ижроси таъминланиши шарт

10 июнь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи бешинчи сессияси ўтказилди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб вилоят сайлов комиссияси раиси С.Нуриевнинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган ўринга 2022 йил 29 май куни ўтказилган сайлов натижаси тўғрисидаги ахбороти асосида 29-Қорадарё сайлов округидан сайланган Саидахмад Усмонов ва 41-Меваля сайлов округидан Инобат Бобоқуловага депутатлик нишони ва гувоҳнома-си топширилди.

Шундан сўнг вилоятдаги айрим аҳоли пунктларини номлаш ва қайта номлаш, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасининг олиб қўйилишига рухсат бериш, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш муддатини кечиктириш, вилоят "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги "2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 222-сон қарори ижроси юзасидан ҳаракатлар режаси, 2022 йилда вилоятда 106 километр ички кўчаларда цемент-бетон қопламали йўл қуриш бўйича манзилли рўйхат тасдиқланди.

Шунингдек, депутатлар вилоят ҳоқимининг Ашуров Акобир Самижоновични вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқладилар.

Сессияда вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурлар ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, биринчи чорак якунлари бўйича вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,1 триллион сўм (ўсиш суръати

106 фоиз)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2,5 миллион сўм (ўсиш суръати 103,8 фоиз)га етди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан санаотда 110,7, қишлоқ хўжалигида 102, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 122, қурилишда 108,6, хизматлар соҳасида эса 113 фоиз ўсишга эришилди.

Афсуски, санаотда ўсиш суръати Каттақўрғон шаҳрида 101,4 фоиз ўрнига 62,5, Оқдарёда 71,4, Пайарикда 80,8 фоизни ташкил этган.

Худди шундай, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида ҳам ўсиш суръатлари баъзи ҳудудларда бажарилмаган.

– Олдимизга қўйилган энг долзарб мақсад ва вазифалардан бири бу – вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробарга оширишдир, – деди Ж.Ўроқов. – Жорий йилда хизматлар ҳажмини 27,9 триллион сўмга ёки 149,3 фоизга оширишимиз керак. Январь-апрель ойларида хизматлар ҳажми 6,5 триллион сўм (112,2 фоиз)ни ташкил этиб, бу борада орқада қолмоқдамиз.

Шунингдек, сессияда вилоят ҳоқимининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи Р.Қобилоннинг туризм хизматларини ривожлантириш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи, вилоят ҳоқимлиги ижро назорати гуруҳи раҳбари З.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ:

Маҳалла раиси бўлиш бу – жуда катта масъулият.

Маҳалла раислари халқимизни рози қилишда, ислохотларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришида ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторлари бошини қовуштириб, хонадонбай муаммоларни ўрганиб, ҳокимлар олдига аниқ масалалар қўйиб, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул ва жавобгар бўлади.



ХАЛҚ БИЛАН ОЧИҚ ВА ФАОЛ МУЛОҚОТ

Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. Юртимизда халқ билан фаол ва очик мулоқот олиб боришдан кўзланган мақсад ҳам аниқ – уларнинг фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi учун муносиб шарт-шароит яратиш.

Ушбу йўналишда вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошчилигида вилоят сектор раҳбарлари 9 июнь куни Каттақўрғон туманида сайёр қабул ўтказди. Қабулда Тойлоқ туманидан ташқари, барча

туман ва шаҳарлардан келган мурожаатчилар ўз муаммо ва дардларини билдирди. Миннатдорчилик билдирган ва тақлиф айтганлар ҳам бўлди.

Фуқаролар томонидан асосан уй-жой билан таъминлаш, алимент пулини ундириш, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш бўйича муаммолар билдирилди.

Олти соатдан ортиқ давом этган қабулда 891 нафар фуқаро 1500 дан ортиқ муаммосини баён этди. Ҳар бир мурожаат рўйхатга олинди, мутаасдилар иштирокида муҳокама этилди. Муаммоли масалаларга тегишлилиги бўйича масъуллар бириктирилди ва бир ҳафтадан сўнг мурожаатларнинг дастлабки натижалари вилоят ҳоқимлигида муҳокама этилиши белгиланди.

Вилоят ҳоқимлиги ахборот хизмати.

➤ Ёшлар ойлиги

Ёшлар фестивалида ёшлар етакчиси тақдирланди

Самарқанд шаҳрида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов ва вилоят секторлар раҳбарлари иштирок этиб, энг китобхон ёш оила, ёшларга ғамхўр нуруний, энг фаол спорчи, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси ва бошқа истеъдодли йигит-қизларни рағбатлантирди.



– Фаолиятини оошлаганимдан буён 4 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг олий ўқув юртида ўқиши учун шартнома пулини тўлашга кўмаклашдим, – деди Аҳмад Ясавий номли маҳалла ёшлар етакчиси Шодмон Умаров. – 5 нафар ёш хотин-қизга тикув машинани олишга ёрдам бердик. Шунингдек, маҳалламиз ёшлари турли танлов ва мусобақаларда юқори натижаларни кўлга кiritиб келяпти.

ана шу натижаларимиз учун бугун вилоят ҳоқими мени ва мен орқали бутун маҳалламиз ёшларини тақдирлаганидан хурсандман.

Фестиваль доирасидаги гала-концертда пойтахтдан келган ва самарқандлик таниқли хонандалар, ҳарбий оркестр ва фольклор жамоаларининг чиқишлари намойиш этилди.

Кеча ёшлар фестивали Каттақўрғон туманида ўтказилди.

ШИРИН "ЗАҲАР" БУНЧА ҚИММАТ

Кейинги кунларда бозорларимизда ун ва шакарнинг нархи анча ошди. Ойлар давомида берилган баёнотлар, ташқи бозордаги нарх-наволар бизга таъсир этмаслиги, захирада етарли миқдорда маҳсулот жамлангани ҳақидаги гаплар рўёдек гўё.

Ҳўш, кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бу маҳсулотлар нега қимматлашди? Хусусан, шакар нархи ошишининг асл сабаблари нимада?

Саволларга жавоб излашдан олдин бозор ва супермаркетлар, савдо дўконларидаги шакар нархларига эътибор қаратамиз.

Кеча, 10 июнь куни Самарқанд шаҳридаги "Сибё деҳқон бозори"ни айланиб, ҳеч бир савдо дўкониде шакар сотилмаётганига гувоҳ бўлдик. – Бугун бозорга учинчи бор келишим, – дейди Чўпонота маҳалласида яшовчи Ф.Очилова. – Биринчи кунни мураббо ва компот тайёрлаш учун 5

килограмм шакар сотиб олдим. Ўшанде шакарнинг килосини 16 минг сўмдан, кеча эса 17 минг сўмдан олдим. Мана, бугун ҳеч бир дўконда йўқ...

Холатга изоҳ сўраб, бозор раҳбари Хусниддин Аслиевга мурожаат қилдик.

– Бозор ҳудудидаги нарх-навоини имкон қадар назорат қиламиз, – деди Ж.Аслиев. – Аммо талабга яраша тақлиф бўлгани боис ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқолмаймиз. Масалан, икки-уч кун аввал шакар аксарият савдо дўконларида 13-14 минг, ҳатто 16 минг сўмдан сотилди. Афсуски, чакана савдо билан шуғулланувчиларга "Маҳсулотингни биз белгилаган нархда сотасан", дея олмаймиз.

Ўзимизнинг "Сибё деҳқон бозори" МЧЖ махсус раста ташкил қилиб, бу ерда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни арзонлаштирилган нархларда сотаямиз. Жумладан, вилоят ҳоқимлиги кўмагида шакар қилинган шакарни биржа баҳосида – 10 500 сўмдан сотув-га қўйганмиз. Лекин бунда чеклов



бор. Ҳар бир харидорга 2 килограмдан ортиқ сотилмайди. Кунига 400 килограмм шакар сотаямиз. Ҳозирда захирамизда 80 тонна шакар бор. Бундан шаҳардаги маҳаллаларга ҳам тарқатаямиз.

Худди шундай "Темирийўл деҳқон бозори"да 2 килограмдан қадокланган шакарнинг килоси 10 500 сўмдан сотилапти. Бозор раҳбари Ғайрат Акобировнинг таъкидлашича, кечадан бошлаб ҳар кун 400 килограмдан шакар савдога чиқарилган.

Самарқанд шаҳридаги йирик савдо дўконларидан бири Korzinka.uz да шакарнинг 1 килограмми 11 000 сўмдан сотилапти. Бу ерда ҳам 2 килограммик чеклов бор.

– Бир ҳафтада супермаркетлардан

➤ Бугуннинг гапи

16 минг сўмдан 20 минг сўмгача нархда шакар сотиб олаётган эдик, – дейди Али Қўшчи маҳалласида яшовчи харидор Зуҳра Ўролова. – "Korzinka"дан бир ҳафта деганда 11 000 сўмдан 2 килограмм шакар сотиб олдим. Ҳамма навбатда турибди. Навбатимиз келганда шакар тугаб қолган пайтлар ҳам бўляпти.

Самарқанд шаҳридаги "Mandarin" супермаркетинда бўлганимизда шакарнинг 1 килограмми 17 минг сўмдан сотилаётганига гувоҳ бўлдик.

Шакарнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида яқинда мутахассислар ижтимоий тармоқларда баралла айтишди. Масалан, Монополияга қарши курашиш кўмитаси шу йилнинг март ойида шакар ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда сотувчи тадбиркорларнинг 2022 йилги фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича ҳукумат томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, Россия ва Украинада шакар ва бугдой экспортига киритилган чекловлар Ўзбекистон ички бозорларидаги эҳтиёж ва нархларга таъсир қилмаслиги ҳақида маълумот берган эди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

ЭНДИ ТЕЖАБ ИШЛАТАСИЗ



Жорий йил юртимизда электр энергияси ва табиий газ бўйича киритилган ижтимоий норма маъиш истеъмолчилар учун анча фойдали. Камроқ электр энергияси сарфлайдиган, даромади кам оилалар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳисобланади. Шу йўл билан ушбу қатлам ҳимояланса, бу аҳолининг ўзига тўқ қисмига давлат бюджетидан субсидия тўлашга барҳам берилади. Қанча истеъмол ҳажми ортса, қўшилган қисми учун бошқача нарх бўлиши самарадорликка ундайди.

Бугун республикамизда ўртача электр энергияси сарфлаган хонадон ривожланган мамлакатлар билан таққосланса, бизда истеъмол уларга нисбатан анча кам. Лекин бехуда сарф миқдори анча кўп. Айнан табақалаштирилган тарифлар бехуда сарфни камайтиради. Камроқ тўлашни хоҳлаганлар тежай бошлайди. Ортиқча сарф қилинса, шунча кўп пул тўланади.

Мамлакатимизда уч йилдан буён энер-

гия тарифларининг ўзгариши қолаётганилиги, энергия ишлаб чиқарувчилар учун капитал харажатларнинг етарли эмаслиги асосий воситаларнинг эскиришини кучайтириб, корхоналарнинг молиявий аҳволини суғайтириб юборганилиги сир эмас. Бирок ўтган давр мобайнида энергия тарифлари ўзгармаганилиги аҳоли маблағларини иқтисод қилишига ёрдам берди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Энди тежаб ишлатасиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, 1 Квт/соат электр энергияси нархи 2014 йилда - 131,4 сўми ташкил қилган бўлса, 2015 йилда - 155 сўмга, 2016 йилда - 182 сўмга ошган. Кейинги йилда 204,3 сўмга кўтарилган бўлса, 2018 йилда - 228,6 сўм қилиб белгиланган. Нихоят, 2019 йилда эса 295 сўмга ошган ҳолатда сўнги уч йил давомида ўзгармади.

Вилоят бўйича мавжуд 110/35/10/0,6/0,4 кВт кучлинишли трансформаторларнинг 50 фоизи техник норма бўйича юкланиш даражаси 80 фоиздан ортмаслиги зарур бўлса-да, уларнинг юкланганлик даражаси нормадан анча юқори. Бу ҳолат аҳолини ва янги ишга тушириладиган инвестиция лойиҳаларини электр энергияси билан тўлиқ таъминлаб беролмаслик ҳамда электр таъминотида авариялар сони ошиши хавфини келтириб чиқармоқда.

Янги қувватларни ишга тушириш ва самарадорликни ошириш учун биринчи навбатда юқори малакали кадрлар ва эркин пул маблағлари талаб этилади. Бунга энергия ресурслари нархларини сақлаб туриш билан эришиб бўлмайди.

Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатлар миқдори билан амалдаги сотиш тарифлари ўртасида анча тафовут бор. Масалан, аҳоли хонадонлари учун бугунги кундаги мавжуд тариф 1 киловатт соат электр энергияси учун 295 сўми ташкил этади. Ишлаб чиқариш ва ташқи харажатларнинг барчаси қўшилса, харажатларимиз ўрта ҳисобда 400 сўмдан ошади. Яъни, ҳозирда аҳоли хонадонлари учун сотиладиган электр энергияси "Худудий электр тармоқлари", "Миллий электр тармоқлари" ва станциялар учун фойда эмас, балки зарар келтирадиган бизнес тоифасига айланган.

Трансформация жараёнлари, яъни давлат компаниясидан ҳақиқий бизнес компанияларига ўтиш даври бошлаб юборилган. Бир қанча станцияларимизнинг аксарияти ташқи манбалардан кредитларни жалб қилиш ҳисобига янгиланган. Мана шу кредитларнинг асосий қисмини қайтаришнинг вақти етиб келди. Бугунги кунда барча кредитларни қайтариш нуктаи назардан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилинса, бу рақам 400 сўмдан ҳам ошиб кетади.

Хўш, энергия бозорида нархларни либераллаштириш ва табақалашган тарифларни жорий этиш аҳолига нима беради?

Биринчидан, пул маблағлари пайдо бўлиши билан аҳоли яшаш пунктларида мавжуд бўлган эски ёрдамчи станциялар ва трансформаторни янгилаш, уларга тушаётган ортиқча оғирликни камайтириш ва натижада авариялар сонини қисқартириш имконияти юзга келади.

Иккинчидан, электр энергиясининг чекка аҳоли пунктларига (қишлоқларга) узлуксиз етказиб берилиши агросаноат инфратузилмасини яхшилаш ва натижада доимий янги иш ўринларининг яратилишига туртки беради.

Учинчидан, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун энергия ресурслари бозорининг жозибадорлиги ортади. Пировардида, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг ортиши ва янгидан-янги қувватларнинг ишга тушиши учун йўл очилади.

Таклиф этилаётган чора-тадбирлар аҳоли томонидан энергия самарадор курилмаларидан фойдаланишга ўтишга ҳамда энергия ресурсларининг тежамкорлик билан ишлатилишига туртки беради.

О.ТЎХТАЕВ,
"Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси" нинг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича директори.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўшанда "Хоразмшакар" ва "Ангреншакар" омборларида 260 минг тонна шакар маҳсулотини захираси яратилгани, июнь ойигача яна 178 минг тонна хомашэ етказиб берилиши маълум қилинганди. Вазирлик барқарорлаштириш мақсадида биржа савдосига қўйиладиган шакар ҳажми 30 фоизга оширилганини эълон қилишганди.

Худди шундай, ташқи бозордаги ҳолат, масалан, Россия ва Беларусдаги шакар экспортга чекловлар бизнинг бозорга таъсир қилмаслиги ҳақида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳам баёнот берганди.

Аммо яқинда, нархлар оша бошлаган июнь ойи бошида Статистика қўмитаси "Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг минтақа ва бошқа давлатлар иқтисодиётлари билан ташқи савдо борасида ҳамкорликнинг кенгайиб ва эркинлашиб бориши ҳолатида мамлакат ичидидаги нархларни қўшни давлатлардагига нисбатан кескин фарқ қилувчи даражада сақлаб туришнинг деярли имкони бўлмайди", дея баёнот берди.

Саёҳат аэропортдан бошланиши керак

Бугун Самарқандга ташриф буюраётган сайёҳларнинг асосий қисми аэропорт хизматларидан фойдаланади. Ташриф жоиз бўлса, уларнинг юртимиз ҳақидаги илк таассуроти ҳам шу ерда ҳосил бўлади. Хўш, азим кентнинг замонавий ҳаво қўналғиси бу ишонччи оқлай оляптими? Жумладан, чегара божхона назоратида туристлар учун қандай қулайликлар яратилган?



"Самарқанд" халқаро аэропортида вилоят туризм ва маданий мерос бош божқармаси ҳамда вилоят божхона бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шу саволларга жавоб берилди.

— Сайёҳ учун саёҳат аэропортдан бошланади, - дейди вилоят туризм ва маданий мерос бош божқармаси бошлиги ўринбосари Дилшод Нарзиқулов. - Ал-

ШИРИН "ЗАҲАР" БУНЧА ҚИММАТ

Хуллас, билдикки, очиқ мамлакат учун ташқи дунёдаги ҳолатнинг таъсири бор ва бўлмайд деб айтишнинг ўзи хато экан.

Аммо шунга қарамай, яқинда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги барибир шакар танқислиги йўқ дея эълон қилди. Шакар нархи ошаётгани юзасидан эса қўйидагича маълумот берди:

"Республикада шакар танқислиги мавжуд эмас ва ички бозорни йил якунига қадар шакар билан тўйинтириш бўйича барча захиралар яратилган. Жумладан, шакарга бўлган талабнинг мавсумий ошиши шароитида (мева-сабзавотларни консервация қилиш мавсуми) нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида биржа савдоларида чиқариладиган шакар ҳажми жорий йил

июнь ойидан бошлаб 50 фоизгача оширилади. Биржадаги савдоларга қўйиладиган шакар ҳажми амалдаги 2000 тоннадан 3000 тоннагача кўпайтирилади".

Ушбу баёнотларнинг айримларида нарх-наво кўтарилишига ташқи омилларнинг таъсири йўқлигини аниқлаш мумкин бўлса, айримларида ташқи бозор бизга ҳам таъсир қилмай қолмаслиги айтилади. Олдимизда эса бир неча саволлар пайдо бўлади: Нарх тобора кўтарилиб бораётгани, маҳсулот тақчил бўлиб қолганини қандай тушуниш мумкин? Ички бозоримиз 100 фоиз таъминланган, маҳсулот етарли бўлса, нарх нега қимматлашяпти? Нега бозору расталарда шакар йўқ бўлиб қолди? Нарх-навонинг ўсаётганида, энг аввало, инсон омили, жумладан, шакар бизнеси

билан фақат маълум доирадаги шахслар шуғулланаётгани сабаб эмасмикан?

Дарвоқе, сарлавҳада шакарни "ширин заҳар", дедик. Ростдан ҳам олимлар шакарнинг инсон организмга 70 дан ортиқ зарарли хусусиятларини аниқлаган ва исботлаган. Шакарни сурункали меъридан ортиқ истеъмол қилиш иммун тизимни сусайтиради ҳамда терининг эрта қариши ва эластиклиги пасайишини, тошмаларни чақиради.

Аммо бугун "ширин заҳар"нинг нархи ҳам заҳардай бўлди. Бунинг олдини олиш учун нарх-наво сунъий ошираётган сохта тadbirkor, олибсotarларнинг ноқонуний фаолиятини жиддий назорат қилиш, соҳада вужудга келган муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш керак эмасми? Агар юқорида айтилганидек, шакар захираси мавжуд бўлса, бугунги тақчиллик ва қиммат нарх замирида, шубҳасиз, сунъий тўсиқлар етибди. Уларни йўқотишда эса масъул идоралар ходимлари жиддий ишлаши шарт.

Акрам ҲАЙДАРОВ,
Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

Президент қарорига кўра

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 8 июнь кунини "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларнинг моддий таъминоти-ни яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Озиқ-овқат ўрнига қўшимча тўлов берилади



Унга кўра, 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг воғя етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри камал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда **базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бара-вари (ҳозирда 300 минг сўм)** миқдорида қўшимча тўлов тўлаб борилади.

1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг воғя етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри камал қилинган даврда ишлаган фуқароларга бепул етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак ағдист учун **ҳар йили август ойида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари (ҳозирда 4,5 миллион сўм)** миқдорида тўланадиган компенсация жорий этилади.

Бунда, қўшимча тўлов Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Компенсация ва қўшимча тўловлар пенсионер пенсия ёки нафақасини қандай тартибда (нақд ёки банк картаси орқали) олаётган бўлса, ўша тартибда тўланади.

Бирламчи тиббиёт Нурободнинг энг катта муаммоси эди

Кўпчилик билса керак, Нуробод туманининг майдони Андижон вилояти майдони билан деярли тенг. Тўғри, аҳолиси 20 баравар кам, аммо майдони бир хил. Демак, туманда аҳоли жойлашуви нечоғлик тарқоқ эканини тасаввур қилиш қийинмас.

Йўқ, мақола Нуробод тумани аҳолисининг жойлашуви ёки майдони ҳақида эмас, балки тиббиёти билан боғлиқ. Аҳоли тарқоқ ҳудудлар тиббиётдан фойдаланиши қандай бўлган эди-ю, ҳозир бу борада нима ўзгарди, умуман, туман тиббиётида кейинги ойлarda рўй бераётган ўзгаришларга тўхталиб ўтамиз.

Туманнинг Тепақул маҳалласида яқиндагина битта контейнер ўрнатилиб, уч хонадан иборат маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Аҳолининг бу ҳақдаги фикри билан қизиқдим.

КОНТЕЙНЕРЛАР БЕПУЛ

— Илгари неварамизнинг харорати кўтарилса ҳам, қон босимимиз ошсаям, дарров Сазағондаги поликлиникага ё шаҳарга қараб югурдик-да, - дейди шу қишлоқда яшовчи 62 ёшли Пардагул Рўзибоева. - Поликлиникага бориш 20 чақиримча йўл, шакар унданан узок. Йўлга вақт кетар, йўлқира сарфлашга тўғри келарди. Баъзи хонадонларда тез-тез қон босими ошадиган қарилар, бир неча ёш болалар бор. Уларга жуда қийин бўларди. Ҳозир мана, бир қадам бўлиб қолди. Хув, деб чақирсак, эшитгулик масофада врач, ҳамшира бор.

— Апрельнинг сўнги иккинчи ўн кунлигида иш бошлаган бўлсак, шу пайтга қадар 200 га яқин мурожаат бўлди, - дейди Тепақул маҳалласидagi тиббиёт пункти раҳбари Яхшибой Суқонов. - 2 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатамиз, уларнинг 187 нафари диспансер назоратида туради.

Контейнер-тиббиёт пунктини кузатаман: кичкина хона, аммо беморни кўриш учун шароит бор. Сув тармоғи энди тортилди, дейишди. Тонometr ва офтальмоскоп асбобларига бор ҳозирча. Шунингдек, пунктнинг кейинги хоналарида тез тиббий ёрдам шохобчаси жойлашган. Яъни, тез тиббий ёрдам чақирғи 2 мингга яқин аҳоли учун бир неча ўн дақиқаларга қисқарди.

Дарвоқе, мазкур контейнерларнинг ҳар бири-

ни жойлаштириш, устини ёпиш учун учун ўртача 40 миллион сўмдан маблаг сарфланган. Контейнерлар бепул келтирилган.

ПОЛИКЛИНИКАГА БОРИШ УЧУН 35 ЧАҚИРИМ ЮРИШГА ТЎҒРИ КЕЛГАН

— Мамлакатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан мулоқотидан сўнг тиббиётнинг аҳолига яқинлашуви жуда тезлашди, - дейди Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Абдулла Абиев. - Тўғри, соҳада жуда кўп ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинаётганди. Мисол учун, аҳоли тарқоқ ҳудудларда тиббий пунктларни ташкил этиш ҳам дастурларда белгиланганди. Аммо йилгилдан сўнг бу вазифаларнинг амалиётга жорий этилиши тезлашди. Яъни биласиз, Нурободнинг аҳолиси тарқоқ жойлашган. Бирламчи тиббиётга мурожаат қилиш учунгина 35 километргача йўл босишга тўғри келадиган маҳаллалар бор эди. Қишнинг совуғи, ёзининг саратонида ёш болалар битта эмлаш учун шунча йўл босиб, йўлқира сарфлашга мажбур эди. Ҳозир шу масала ҳал бўлди. Тумандаги 12 ҳудудда тиббиёт пункти ташкил этилди. Масофа бир неча баробарга қисқарди. Ҳомийлар маблағлари ҳисобидан Сазағон ҳудудий бўлимига янги биро қурилмоқда.

Президентимиз томонидан олиш ва чекка ҳудудларга врачларни жалб қилиш, уларни моддий рағбатлантириш бўйича чиқарилган қарор ижросини таъминлаш ва айнан чекка ҳудудлардаги вақант ўринларни тўлдириш мақсадида қўшни вилоят ва туманлардан 6 нафар врач келиб, иш бошлади. Хусусан, Сепки оилавий поликлиникасига бир нафар, Ибн Сино оилавий поликлиникасига бир нафар оилавий шифокорни ишга қабул қилдик.

Марказий шифохонада ихтисослаштирилган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида 5 нафар тор соҳа мутахассиси (хирург, кардиолог, акушер-гинеколог ва ЛОР) илк келинди. Тумандаги гемодиализ оладиган беморларни дори-дармон билан таъминлаш учун 21,8 миллион сўм маблаг ажратилди.



КАРДИОЛОГИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бошқа ҳудудларда бўлгани сингари Нурободда ҳам аҳоли вилоят ихтисослашган тиббий марказлари ходимлари томонидан кўриқдан ўтказилиб, беморларга шу ернинг ўзида хизмат кўрсатиш мақсадида, жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида 6 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога туғма юрак операцияси бепул амалга оширилди.

Касалликларни эрта аниқлаш ва олдини мақсадида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари ошқозон-ичак тизимида касаллиги бўлган беморларни тиббий кўриқдан ўтказиб, бепул дори-дармон тарқатди.

Вилоят даволаш муассасаларининг малакали мутахассислари туманимизнинг олис ҳудудлари - Ағрон, Навбахор, Тим, Саҳоба, Нурбум ва Тутли қишлоқлари аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказди.

Марказий шифохонани таъмирлаш ва тиббий аппаратлар олиш учун "Ташаббусли бюджет"дан 1 миллиард сўм маблаг овоз бериш йўли билан ютиб олинди. Ушбу маблагга шифохонанинг кириш жойи, қабул бўлими, операцион блокни таъмирлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, туманда марказий шифохона терапия бўлимидаги мавжуд ўринлардан фойдаланиб, неврология ва кардиология бўлимларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Вилоятимизнинг олис, аҳолиси тарқоқ бир тумани тиббиётдаги бу каби янгилик ва ўзгаришлар албатта, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, тиббиётнинг ривожланиётгани ва халққа яқинлашаётгани самарасидир.

Гулрўх МЎМИНОВА,
"Зарафшон" муҳбири.

Бир рақам шарҳи

- Худудий инвестиция дастурлари доирасида жорий йилнинг беш ойида қиймати 571,4 миллиард сўмлик 197 та лойиҳа ишга туширилиб, 1835 та янги иш ўрни яратилди.
- Шу жумладан, худудий дастурларда кўзда тутилмаган 98,1 миллиард сўмлик 51 та янги лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 322 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Айни кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар олинмоқда. Депутатлар, олимлар ва турли соҳалар мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари билан Конституциявий комиссия тузилиб, фаол иш олиб бормоқда.

Конституцияга тақлифингиз борми?

"Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ушбу жараёнда аҳоли фикрини ўрганиш, уларнинг тақлифларини эшитиш мақсадида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Навбатдаги ана шундай тадбир Қўшработ туманида ўтказилди. Туман тиббиёт бирлашмасида, шунингдек, Болғали, Булоқбоши, Пангат маҳаллаларида уюштирилган тадбирларда тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари ва турли соҳалар вакиллари иштирок этди.

— Ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат "догма", яъни тошга ўхшаб қотиб турмаганидек, Конституция ҳам мамлакат ривожига монанд равишда, халқнинг манфаатларини тўлиқ кўзлаган ҳолда такомиллашиб бориши зарур, - деди "Адолат" социал демократик партияси раиси кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. - Бош Қомусимиз ҳам бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга оширишда асосий ҳужжат бўлиши ва янада мукамал бўлиши лозим. Эндиликда Конституциямизда "инсон - жамяят - давлат", "Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат" тамойиллари, "Инсон манфаатлари - иқтисодий ислохотларнинг бош мезони", "Жамият - ислохотлар ташаббускори" сингари эзгу гоялар ақс этади. Айни шу йўналишлардан келиб чиқиб, конституциявий ислохотлар ўтказилмоқда ва унда бутун халқимиз иштирок этиши мақсада мувофиқ бўлади.

Учрашувларда партия фаоллари ва депутатлар конституциявий ислохотларнинг моҳияти ва қулайлашган натижалар ҳақида ўз фикрларини билдирди. Ўз навбатида тадбир қатнашчилари ҳаётий тажрибаси ва иш фаолиятидан келиб чиқиб, тақлиф ва мулоҳазаларини баён этди.

— Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Шерали Равшанов. - Бугунги кунда тиббиёт соҳасида "ақли тиббиёт"ни амалиётга кенг жорий этиш лозим ва бу қонунларимизда белгиланган бўлиши керак. Бу соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга хизмат қилади.



ТЕХНИКУМ ТАЛАБАЛАРИГА ИМТИЁЗ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизimini янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ, 2022-2023 ўқув йили қабулдан бошлаб техникумларда ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз олий таълим муассасаларида 2-босқичдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлди. Фақат бу якка тартибдаги суҳбат орқали амалга оширилади.

Бу жараёни тартибга солиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги 17-сонли қарори билан "Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди. Мазкур имкониятдан

юридик техникумларда таълим олаётган ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Тасдиқланган низомга мувофиқ, юридик техникумларда олий ўқув юртида 2-курсдан ўқишни давом эттиришлари учун ўқув семестрлари якунига кўра, "5" ва "4" баҳоларга ўқиган бўлиши, шунингдек, ўзлаштириш баҳоларининг камида 50 фоизи

аёло баҳо бўлиши керак. Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали бакалаврият таълим йўналишларининг 2-босқичидан ўқиш фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълимга қабул қилиш имкониятидан битирувчилар юридик

техникумни тамомлаган йилдан бошлаб икки йил мобайнида фойдаланиши мумкин. Техникумни битирганига икки йилдан ошганлар ўқишга кириш истагини билдирганда, уларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Низомга мувофиқ, талабгор тўп-лаш мумкин бўлган энг юқори балл 100 балли ташкил этади. Суҳбат комиссияси томонидан қўйилган балларнинг ўртачаси 67 балл ва ундан юқори бўлганда, абитуриент суҳбатдан ўтган ҳисобланади. **Ҳасан МАҲМУДОВ,** Самарқанд вилояти юридик техникуми битирувчиси.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодийда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

T/p	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
1	Савдо дўкони биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри "Ватанпарвар" МФЙ	0.023	230.52	645 703 000.0	04.07.2022 й.	04.07.2022 й.
2	Самарқанд ХУЖФҚ омборхонаси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри Спитамен шохқўчаси, 2-тор кўча, 9-уй	2.2465	5226.72	17 009 727 900.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.
3	Бўш турган почта алоқа бўлими биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри "Мўлиён" МФЙ	0.005094	48.41	80 312 900.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.
4	Бўш турган меҳмонхона биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси, 29-А уй	0.165	1095.27	16 070 140 000.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.
5	Бўш турган бино ва иншоотлар	Каттақўрғон тумани ҳокимлиги	Каттақўрғон тумани "Яккабоғ" МФЙ	0.546	1164.55	1 073 600 000.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.
6	Бўш турган бино ва иншоотлар	Каттақўрғон тумани ҳокимлиги	Каттақўрғон тумани "Алишер Навоий" МФЙ	0.3067	1491.0	3 037 300 000.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.
7	Собиқ ветеринария бўлими биноси	Нуробод тумани ветеринария бўлими	Нуробод тумани "Улус" МФЙ	0.4838	831.75	762 200 000.0	13.07.2022 й.	13.07.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган хар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдога қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auction.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинги аукционларим" бўлиmidан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шундан сўнг аукционда "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бириортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12

Факс:

66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа:

Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа:

privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт:

samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Нарпай туманидаги «MIRBOZOR BOZORI» масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 300537690) акциядори ҳисобланган «Самарқанд таъминот» савдо корхонаси Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2011 йил 10 августдаги 37-сонли қарорига асосан тугатилган. «Самарқанд таъминот» савдо корхонасининг 43.4 фоиз акциялари «MIRBOZOR BOZORI» масъулияти чекланган жамияти ихтиёрига ўтказилди. Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Нарпай тумани «MIRBOZOR BOZORI» МЧЖ маъмурияти.

Ургут туманидаги «OLOVLI-YULDUZ-SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305608076) ўз устав фондидан 1 294 717 578 (бир миллиард икки юз тўқсон тўрт миллион етти юз ён етти минг беш юз етмиш саккиз) сўмдан 1 001 667 578 (бир миллиард бир миллион олти юз олти етти минг беш юз етмиш саккиз) сўмга қайтарилмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут шаҳри Дўстлик маҳалласи, Почвов кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Хамдамова Истатга (1992 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Файзиёва Шадмангул Шерматовнага (2020 йил 17 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Курбанова Гулсара Зиёевнага (2018 йил 14 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шукурова Лобар Олимжон қизи нотариал идорасида марҳум Исмаилов Хожига (1992 йил 2 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шукурова Лобар Олимжон қизи нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шохқўчаси. Мўлжал: Самарқанд вилоят ИИБ ЙҲХБ, шахар мудофаа ишлари бўлими.

Самарқанд шаҳрида хусусий ама-

лиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хаитов Файзига (2012 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунгур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Болтоева Фотима Кувондиқовна номига берилган У № 2497324 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги «AYUBXON G'ALLA DALALARI» фермер хўжалигининг (СТИП: 308101342) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 77-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ҳамидов Далержон Хуршедович номига берилган УМ № 0537490 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 57-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абдувоитов Ҳамза Шерали ўғли номига берилган УМ № 0544040 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 57-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Арзикулов Комилжон Дилшод ўғли номига берилган УМ № 0544014 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Жонизоқова Улжон Хайдаровна номига берилган О'Р-А № 1476111 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд енгил саноат касб-хунар коллежидан 2004 йилда Раҳманов Жасур Муроткулович номига берилган рўйхат рақами 50, К № 125205 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2021 йилда Зиёева Нафиса Холмирзоевна номига берилган рўйхат рақами 000627, МО № 000580 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2021 йилда Зиёева Нафиса Холмирзоевна номига берилган рўйхат рақами 002211, МО № 002056 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд агроиқтисод касб-хунар коллежидан 2018 йилда Тошев Дониёр Сураат ўғли номига берилган рўйхат рақами 935, К № 5111949 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги собиқ 117-умумий ўрта таълим мактабидан (ҳозирги 60-умумий ўрта таълим мактаби филиалидан) 2000 йилда Сафарова Матлуба Ҳазратқул қизи номига берилган У № 3707838 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сонли қарори ва "Ўзбекбаликсаноат" уюшмасининг 2019 йил 16 августдаги 62-сонли буйруғига асосан Каттақўрғон сув омборини (7201 м.кв.) балиқ овлаш хўжалиқларига ижарага бериш бўйича танлов ўтказилди. Талабгорларнинг таклифлари жойлашган конвертларни очиб 2022 йил 21 июнь соат 10:00 да комиссия мажлисида амалга оширилади. Талабгорлар ёки уларнинг вақиллари танлов таклифлари конвертларининг очирилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ижара шартномаси "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси ва танлов ғолиби ўртасида камида 10 йил муддатга тузилади. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилларга ўз ҳужжатларини тақдим этишлари мумкин: "Самарқандбаликсаноат" МЧЖ маъмуриятига: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-Е корпус, Самарқанд вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармасига: 3-қават 313, 314-хоналар. Телефон: +99866-234-36-29. Танловда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари юридик шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Электрон почта: samarqandbaliqsanoat@mail.ru Қўшимча маълумот учун телефонлар: +99897-915-36-45, +99897-393-09-73. **"САМАРҚАНДБАЛИКСАНОАТ" МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.**

Самарқанд давлат тиббиёт институти академик лицейидан 2019 йилда Ибодуллоева Дилафруз Давроновна номига берилган рўйхат рақами 497, Л № 367101 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 12-ўрта мактабдан 1992 йилда Ахроров Икром Асрорович номига берилган А № 216721 рақамли тўлиқлик ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Тилаков Шарофиддин Жанобиддин ўғли номига берилган У № 4864283 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 99-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Сафарова Мухлиса Улуғбек қизи номига берилган УМ № 0507561 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касабга уюшма қўмитаси ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти **Абдуғафур ХОЛТЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия ихзор этади.

4 Zarafshon

Содир ЦНАР:

АДАБИЁТДА ЯНГИ МАВЗУ ЙЎҚ, ФАҚАТ МАҲОРАТ БОР

Сўхбатдош ҳақида: Таниқли ёзувчи Собир Ўнар 1964 йилда Қўшработ туманидаги Қувқалла қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Илк китоби — "Орзуга тўла қишлоқ". Шундан сўнра ёзувчининг "Овлоқ адирлар бағрида", "Чашма", "Чамбилбелнинг ойдаласи", "Ўрларлар", "Бибисора", "Дунё шундай турурму?", "Олдинда ёнган маёқ", "Отамзамон хангомалари", "Қунсулувнинг сирли хатлари" каби асарлари эълон қилинган.



чишлиги, отбоқарлиги, кўпкаридаги бекиёс тажрибаси минглаб йилқиси бор бойга қўл келди. Бизнинг Гўрўғли билан иккови бир-бирини билган ҳолда ёндаш яшайди. Уларнинг қариндошлик жиҳатлари ҳам бор. Отақул қирғий охирида ўша даштдан қочиб имконияти туғилганда "Сизни олиб кетаман", деб таклиф қилинганда "Мен кетмайман", дейди. Унинг ўзига хос сабаби бор. У эл устида юрган оқсоқол одами, элга ақл ўргатиб юрган одами маълум бир мўддат қўлчилик қилишга мажбур бўлди. Ана шу иснодни кўтара олмади. Иснод шундай, бундан кўра ўлиб кетгани ва дом-дараксиз кетгани афзал эди. Уни бедарак кетган деб қидиришди, топишолмади. Бу ерда мен урғу бермоқчи бўлган гапим шу халқнинг оқсоқоли бўлган одами энди бир мўддат йўқ бўлиб кетгани, бунақа гўрурли одами элга қўшилмаслиги аниқ. Буни энди эксперимент, маълум жиҳатлари модерн адабиётга тааллуқли деб талқин қилиш ҳам мумкин. Баъзи адабиётшунослар гапирган, лекин ўзим моҳиятини яхши англаганим учун ўша раъзлардан фойдаланишга ҳаракат қилганман. Бироқ реализм устувор. Ўша тимсоллар ҳам бор. Ўзимнинг замонавий қаҳрамоним хиёнат қурбони бўлди. Ўзининг дўсти хиёнат қилди. Оқибатда у ўлимга юз тутди-да, аслида ўради — бу реализм. Лекин айни пайтда қабристонга қўйиб, қайтиб келишгандан кейин у ўзининг аввалги ҳолатига қайтиб, тирилик келди. Ўша қўлдаги Отақул қирғий билан учрашди. Менинг ўйлаганларим — дунё тор ва айни пайтда дунё кенг. Дунёнинг торлиги мана шу иккита, тақдир бир-бирига жуда ўхшайдиган одамлар шу дунёнинг ўзида ҳам кўришди. Улар вафот этиб, рухлари нариги дунёга бориб учрашиши шартмас деб учраштирдим. Бу ҳаёт ҳақиқатига тўғри келадими-йўқми, билмайман, бироқ ўзуси сифатида ишонтиришга ҳаракат қилдим.

– Собир ака, асарларингизни ўқиган китобхон танти ва содда қишлоқ одамлари орасида юргандек бўлади, худдики, улар яқин одамларингиз, жигарларингиз туюлади. Айтинг-чи, қаҳрамонларингизнинг ҳаётда прототиби борми ёки тўқима образлари? – Ёзувчи прототипни ўйлаб топдим дегани билан барибир воқеанинг ёки қайси бир жиҳати билан ҳаётдаги бир прототип бўйи кўрсатиб тураверади. Менимча, аслида ўйлаб топган ҳаётдаги ўйлаб топилган образ ўзи учун ёқимлироқ бўлади, лекин ҳаётда яшаганидан кейин замонадош ёки тақдирдош бўлган одамларнинг ҳаёти ҳақида ўзгача ёки ўзга одамникини ёзишнинг қийин. Чунки ёзувчи хоҳлайдим-хоҳламайдими, у барибир қалб одами. Атрофини, ўзининг қалбига яқин одамларини, қаҳрамонларини, шунингдек, ўзига яқин бўлган инсонлар тақдирини назардан ўтказишга мажбур.

– Асарларингизда миллий ўйинларимиздан бири – улоқ-кўпкари ҳақида тасвирлар кўп учрайди. Масалан, "Бир ўларман чавандоз", "Ака-укалар", "Гов" ҳикояларингизда бу бўрига кўрайдими. Бу сизнинг кўпкарига қизиқингизданми ёхуд қаҳрамонларингизнинг чавандоз бўлганлигинданми? – Кўпкари халқ ўйини, бошқа халқ ўйинларига нисбатан кўпроқ томошабоп. Томошабининг завқлантиришга қодир полвон ва унинг отига ҳам бўлган ихлосининг чандон оширадиган бир ўйин. Шу маънода, мен энди айнан устоз ёзувчи Тоғай Мурод ва бошқалар сингари кўпкари ва чавандоз мавзусини алоҳида қаламга оламан деб ўйламаганман, ўзимнинг юрагимга таъсир қилган вазиятларда шуларни қоралаб қўйганман. Сиз тилга олгандан ташқари, бир бошқачароқ, йирикроқ ҳажмдаги яна бир нарсаси эсимда. Масалан, кўпкари нимаси билан одамни мафтун қилади ёки нимаси билан жозибали? Ўйлайманки, кўпкарида полвонликдан ташқари, мардлик, кескирлик, маълум бир манфаатлардан кеча олиш жасорати ҳам бўлади. Мана шундай қаҳрамонларимдан бири кейинги ҳикояларимда бўртиброк кўринди. Яқин кунларда матбуот юзини кўрсатса керак.

– Собир ака, асарларингизда маънавий ҳаётда мавзу чекланмайдими. Айнан кўпкари деган мавзуга интилмаган бўлсан ҳам, бот-бот ўша чавандозларнинг ичида эҳтимол қариндошларим бўлганлиги учун уларнинг турмуш тарзи менинг ҳаётимга маълум маънода сингиб кетган. Уларни бегона деб ҳисобламайман. Шунинг учун ўзимга яқин мавзу, кўнгалга яқин, керак бўлса, ўқувчи ҳам маълум маънода яқинлик касб этса, шундан хурсандман.

– Асарнинг китобхонни сеҳрлаб қўйиши, уни тобора ўзига жаҳд этишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? – Бу, авваламбор, кўп жиҳатдан адибнинг маҳорати ва боғлики. Масалан, шунинг жўнроқ қилиб тушуштириш мумкин. Бир хил мавзуда жуда кўнгалга қўшиқлар яратилади ва айрим қўшиқ ижрочиларига бизга яқинроқ. Биз уларни кўпроқ севиб тинглаймиз. Шу сингари адабиётда ҳам янги мавзунинг ўзи йўқ. Ҳар ким ўзининг, масалан, ижтимоий ҳаёт бўладими, севи-муҳаббат ҳақида бўладими ёки сиёсий мавзуда бўладими, бундан қатъи назар, ёзувчи уни ўқувчига оҳанрабодек ёқимли ва жозибали қилиб еткази олиши мумкин – ёзувчининг вазифаси шу. Агар ўқувчига маълум маънода яқинлик билан етказар экан, бу муваффақият – фақат маҳорат билан боғлиқ бўлган сир.

– Давлатнинг қайтиши ҳикоян-гизда асосий мақсад ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи яратди, бахтли онларни ўз қўлида тутиб қолишига қодир бўлган инсонларгина ҳаётда тўлиқ бахтлиман деб айта олишга

ҳақли эканлигини ўқирмоқчи бўлгансиз. Мен асарни ўқиш асосида ҳикоя охири яхшилиқ билан тугаса керак деган фикрни юрагимдан ўтказиб турган эдим. Умуман, ҳикояда Давлатнинг тақдирини фожияли яқунлашдан мақсад нима? Унда нима назарда тутилган?

– Ҳикоя жанрига қўл урганимдан бери биринчи марта маълум бир маънода икки йўналишни битта ҳикояга сингдиришга ҳаракат қилганман. Бу ерда мен ўзим аслида ўша Давлатни яхши кўриб, унга ўза сифатида ихлос қилиб ёндашганман. Дунёнинг бевафолиги, ўша ёш бир йигитга насиб қилаётган, айни пайтда исмиям Давлат, унинг қўлига осон қираётган давлат ҳам аслида жуда омонат эканлиги ва мана шу совуққон дунёнинг одамига меҳрибон эмаслиги, давлат қўлини кири сифатида қолиб кетиши, ёш бир йигитнинг умри эрта хазон бўлиши, унинг атрофида дўстлари бўлиши маълум маънода ўша ёшларга хос бўлган кайфу сафо қилиб юришлари ҳам фақат омонатнинг ўзгинаси. Айни пайтда ўзиям омонат. Шунинг эҳтимол, таъкидлагим келгандир. Ўйлаганларим бўлар. Ўша жозибам, ёшлик ҳам қўлга киритилган молу давлат, бу базму жамшид фақат омонат. Бу бир лаҳзада ўтиб кетадиган жилвалар, холос. Сароб. Ушандан кейин қирқ ёшга етмасдан шамолдай ўтиб кетди. Бу ҳаётда аслида бор йигит. Уни таниб қолишларидан ҳадик олганман. Қисқаси, бу дунё ўта совуққон, бизнинг бино қўйишимизга арзимади деган гапни айтмоқчи бўлганман.

– Реалистик йўналишда ижод қиласиз, бу сиз учун қулай усулми? Метафоралар ва рамзалар орқали ифода-лашга муносабатингиз... – Аслида реализм тарафдориман. Реализм эскирмайдиган услуб. Рамзийлик, тимсоллар, метафораларга қарши эмасман. Чунки Шарқ адабиёти – рамзийлик кўпроқ акс этадиган адабиёт. Керак бўлса, халқ озаки ижоди, дostonларинида ҳам, биз хоҳласак-хоҳламасак, ичиндан тимсоллар чиқиб келаверади. Масалан, Гўрўғли образи. У мард давлат бошлиғи, унинг қирқ йиғити кўпаймайдими-камаймайдими. Қайсидир мамлакатга юриш қиладими, албатта, ғолиб чиқади. Ва айни пайтда бефарзат, ўлиб кетди. Бу гапга талати. Онаси вафот этгандан кейин гўрда туғилди ва ўзи париларга уйланади. Юнус пари билан Мисқол парилар унинг маликалари. Маълумки, ҳаётда ва афсоналарда, диний асарларда парилар фарзанд кўрмайди. Чунки улар фаришталар. Гўрўғли фаришталарга уйланди ва бундан кейин ҳам фарзанд туғилмаслиги аниқ. Бу фалати бир тимсол. Лекин мардлик, полвонлик, жасорат, адолатсизлик устидан доим ғалаба қилишлари, Авазхон бўладими, Ҳасанхон бўладими ва бошқаларга ёр танлашда ҳар доим кўмакдош бўлиб келган. Маълум бир оддийлик бор, оддийликнинг орқасида сирлилик, яъни ўзи фарзанд кўрмай туриб, асранди ўғилларининг ҳаммасини бахтли қилишга ҳаракат қилган подшоҳ. Шу маънода, биз истасак-истамасак, бу асарларга қайтишга мажбур бўламиз.

Сизга маълум, "Чамбилбелнинг ойдаласи" номи қиссам бор. Бу қиссад "Гўрўғлининг туғилиши" дostonидан фойдаланганман. Менинг замонавий қаҳрамоним ўлади-да, гўрдан тирилиб қайтиб келади. Қайтиб келгач, барибир аввалги пайтдаги фирромликларнинг устидан чиқади. Замонадош ва тенгдошларига қўшили олмади. Яна унга ёндаш бир образ бор. Отақул қирғий. У оқсоқол одам, гапи кескир, фақат қишлоғида эмас, бошқа жойларда ҳам таъсири кучли. Уям тақдир тақозоси билан ўғилларнинг қўлига тушади-да, даштда қолиб кетади. Чўлда йилқибқоралик қилишига тўғри келади. Замонавий бойларнинг қўлига бежиз тушмаган, син-

зиш - "молтиш" деган сўз бор. Адабиётда ҳам йўқ, адабий тилда ҳам йўқ. Молтимоқ – сўвда қўл билан олдинга ҳаракат қилмоқ. Адабий тил шевалар ҳисобига бойиса, ёмон бўлмайди.

– "Отамзамон хангомалари" асарингизни ўқиб, ёзувчи кундалигини ўқигандек бўлдим. Бу асарни ёзиш фикри сизда қандай пайдо бўлди? Асардаги қаҳрамонлар барчаси сиз туғилиб ўсган қишлоқда яшаган ва яшамоқда. Ўқувчиларингиз бу асарга қандай муносабатда бўлишди?

– "Отамзамон хангомалари" да нисбатан кейинги йиллардаги ҳолат ёзилган. Одам оғир ўйлардан, оғир ғоялардан чиқиб кетишининг баъзи бир йўллари ахтариб юради. Масалан, катта санъаткорга ҳам ҳар доим "Муножот" ёки "Чўли Ироқ"ни қайта-қайта буюртма бергани билан айтгани келмай қолади. Шу маънода, ўзим билган одамларнинг ҳаётидан кичик хангомалар ёзиб кўрсам-чи, деган фикр бор эди. Буям эксперимент аслида. Абдулла Орипов кўп эътироф этарди: "Собир, ўзинг билган одамлар ҳақида каттароқ бир нима мўлжаллаб қўй", дерди. Лекин бу одамнинг кайфияти билан боғлиқ, буларнинг деярли кўпчилиги қариндошлар, боболар, момолар. Уларнинг бировга ўхшамайдиган қилиқлари, феъл-атвори, характери, ҳаётидаги эса қоладиган қизиқарли воқеалар. Ҳикоя деб даъво қилмайман. Хангомалар.

Хангома деган жанр бор аслида. Латифа билан ҳикоянинг ўртасида. Бу бор жанр. Ўтириб-ўтириб, хангома устида, сўхбатлашиб бўладиган нарсаси. Унда тургаллик талаб қилинмайди. Бадиий чўқурилик, уям эҳтимол, талаб қилинмас ёки тимсоллар билан кўрсатиш ҳам шартмасдир. Бор-борича, йўқ – ҳолича. Ваогт гапнинг давоми, ўша машҳур ҳофиз орада "Ёр-ёр"ниям айтса, яхши бўлади. Ёзувчи оғир ғоялар, оғир ишдан ўтиб бўлгандан кейин энгилроқ бирор нима ёзгиси келади. Шу маънода, аслида, бу энгил жанр бўлиб кўрингани билан бор одамларнинг характерлари, шу жиҳати билан эътиборли бўлиш керак.

– Илгарилари таржима билан ҳам шуғуллангансиз, қорақалпоқ адаби Х. Тожмуроднинг "Ов хангомалари"ни ва турк ёзувчиси Бакир Юлдазининг "Қарбало фожияси" қиссасини ўзбек тилига таржима қилгансиз. Айниқса, "Қарбало фожияси" асари ўша пайтда барчага манзур бўлган эди. Кейинги йилларда таржима билан шуғулланмадингизми? Ёки бундан биз беҳабар қолдикми? – Йўқ, кейинги пайтларда таржима билан машғул бўлмадим. Баъзи бир чала таржималар бор-у, айнан мунтазам шуғулланишни талаб қиладиган соҳа буюм. "Ов хангомалари"ни ёзган адибни эшитганман-у, кўрмаганман. Маҳорат бобида ҳам жуда яхшилигини ҳис қилганман йўқ. Нашриётнинг менга юкмаси бўлган.

"Ёшлик" журналига Тоҳир Малик бош муҳаррир вақтида менга "Диний илмлардан яхши хабардор экансиз, Бакир Юлдазининг "Қарбало фожияси" асарининг таржимаси билан сиз шуғулландингиз", деди. Қўлга олдим-у, бошладим. Баъзан бошқа ишларга машғул бўламан. Тоҳир аканинг ўзига хос феъли бор эдики, пешма-пеш эълон қилиб бораверди. Натижада мунтазам таржима қилишга мажбур бўлдим. Кейин китоб ҳолида ҳам босилди.

Қисқаси, таржимачилик мен учун мунтазам ишга айланмади. Кўп ёзувчиларнинг хикояларини таржима қилиб кўрганман. Таржиманинг фойдали томони, сиз билан бизга ўхшаб шаҳарда яшамаган, рус тили муҳитидан узоқ бўлганларга барибир бирдангина сингшиб кетиш қийин. Шу маънода, одамнинг сўз бойлиги бадиий таржимада энг қўл келади. Айнан ўзинг гапирётган ўзбек тилини қаровли ва ўзбекча жаранглата билиш муҳим ўрин тутди. Шунинг биланман.

Моҳир таржимонлар билан сўхбатлашиб, улардан ўрганишга интилдим. Низом Комилов, Ғайбулла ас-Салом каби олимлардан назарий билим олдим. Лекин Қодир Мирмуҳаммедов, Иброҳим Ғафуровларнинг таржима асарларини ўқиганда, одам барибир тан беради.

– Сизнинг тенгдошларингиз аллақачон бир неча романлар ёзишга улгурди. Сиз бу жанрга негадир қўл урмайсиз. Сизда маҳорат ва тажриба етарли-ку. Сабаби нимада?

– Ҳаётда кўрганларим ҳақида тизимли мавзуда ёки тарихий мавзуда ёзишни мўлжаллаб юраман. Бу ишга бел боғлаган киши бўлиб, материал тўплайман. Бу энди ҳаётнинг икки-чиқирлари ҳақида бўлмайди. Миллатини миллат сифатида паства тортадиган хунук бир оқишона иллатларимиз ҳақида бўлади. Роман ҳақида жиддийроқ ўйлаяпман. Вақти келди чамамда.

– Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат.

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ сўхбатлашди.

Касблар ичида тинимсиз меҳнат ва фидойиликни талаб этадиган касб – бу ўқитувчиликдир. Ўқитувчилик касбини кўнгалга кенг ва тоза, болаларни яхши кўрадиган кишилар танлайди. Мана шундай инсонлардан бири ўттиз йиллик меҳнат тажрибаси эга Хуррам Қодировдир.

Меҳрибон, талабчан ва фидойи устоз



Хуррам Қодиров 1947 йилнинг 10 июнь кунин Тойлоқ тумани Жумабозор қишлоғида туғилди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. У физика фанини бошқа фанлардан кўра яхши кўрарди. Шу сабабли мактабни битиргач, Самарқанд давлат университети физика факультетига ўқиди.

Университетни тугатиб, тумандаги 65-умумий ўрта таълим мактабига болаларга физика фанидан дарс бера бошлади. Ўттиз йил ушбу мактабда фаолият юритди.

Х.Қодиров таълим педагог, моҳир ўқитувчи ва фидойи инсон сифатида мамлакатимиз таълим тизимига амалга оширилган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, мактабда ўзининг меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, ижодкорли-

ги, ташаббускорлиги билан хурмат қозонди.

Ўқувчиларнинг билими, иқтидори ва қобилиятларини рўйга чиқариш учун тинмади. Мактабда ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил қилишда ижобий натижаларга эришди.

Кейинчалик Хуррам ака тумандаги 30-умумий ўрта таълим мактабда ҳам физика фани ўқитувчиси

бўлиб ишлади. У меҳнат қилган даврда таълим дароҳи тумандаги мактаблар орасида юқори ўринни эгаллади. Мактабда устоз-шоғир аънаъаси йўлга қўйилганлиги туфайли бир қатор ютуқларга эришди.

Юқори малакали педагог, фидойи ва жонқуяр инсон сифатида ҳамкасблари ва маҳалла ахли ўртасида хурмат қозонди. Турмуш ўртоғи Пулатой ая билан 4 ўғил ва 2 қизни воёга етказди, олий маълумотли қилди. Бугун фарзандларидан уч нафари ота касбини танлаб, ўқитувчилик қилмоқда.

Айни пайтда фарзанд ва набиралари даврасида кексалик гаштини сураётган Хуррам Қодиров кўтлуг 75 ёши қарши олмақда. Устозини таваллуд айёми билан чин қалбдан табриклинимиз.

Х.ЭРНАЗАРОВА.

САМАРҚАНД

Кўрку салобатли шаҳарлар бисёр, Таърифу таснифи жаннатга монанд. Ҳикмати бир байтда зиёда изҳор : Ер юзин сайқали эрур Самарқанд.

Аслига ярашар чин сўз , ҳақиқат, Шаҳар зиё билан бўлган мўтабар. Улуғбек юлдуз-ла айлағач сўхбат , "Зиғ" ини дарс қилган бор бану башар.

Мотрудий жаҳонга бўлмиш муаллим , Заминни ёритиб ақлу зиёси . Илимдан туғилди минг битта илм , То ҳозир бардавом табарруқ саси .

Кучни адолат деб айлағач унвон , Хайратга солдирди тамом ер юзин . Илму тафаккурли шу Соҳибқирон , "Тузуқ"ка нақшлади идрокку сўзин .

Бунда туташдилар Форс ила Турон , Икки зот ашъори бир нафас бўлиб . Жомий ва Навоий дoston – дониши , Тарихни ёритар ой монанд тўлиб .

Чирою жамоли кўп бўлган таъриф , Такрору таъкидга йўқдир эҳтиёж . Шаҳарлар ташбеҳда гар эса маъруф , Самарқанд аларнинг бошидаги тож .

Маърифат ахли-ла шон толган шаҳар , Азалдан то ҳозир қарвонга сарбон . Ҳазрати Хишрдан етганим назар Ростини ростилади кўхна Регистон .

ШОҲИЗИНДА

Ўзга бир манзара ҳукмрон бунда , Хаёл сергақланар сокин ва мақос . Зиналар ҳансиар Шоҳизиндада , Саф торган мақбара қаршилар сассиз .

"Беш бармоқ тенг эмас" , рост сўз азалдан , Кимларга зиёрат , кимга томоша . Нималар ўтмайди демайсиз дилдан , Ҳар ким кезиб юрар ҳолга яраша .

Тиловат оҳанги айлағач хушёр , Лаблар шивирин-ла очилар қўллар . Дуюнинг баҳраси етгандек , аллоҳ , Қабрининг тошлари гўё нурланар .

Алқисса , зиёрат файзу тароват , Баҳраси баҳридан улғаяр фикр . Ортиқча изохга қолдирмай ҳожат , Мақбарода ётар ақлу тафаккур .

Суюндик МУСТАФО НУРАТОВИЙ.

MATBUOT UYI

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 257 nusxada chop etildi. Buyurtman . Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G. HASANOV.

Navbatchi:

D.TOXTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda